



## Кун нафаси

**ПРЕЗИДЕНТЛАР ЧИМКЕНТ ШАХРИДА УЧРАШДИ**  
3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев Чимкент шаҳрида норасмий учрашув ўтказдилар.

Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манfaatли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА



3 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси ўз ишhini давом эттирди. Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самардорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 12 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ВА ХИТОЙ ПРОВИНЦИЯЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ



Сирдарё вилояти ҳокими вазифини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев бошчилигидаги делегация Хитой Халқ Республикасида бўлиб қайтди. Ушбу ташриф Хитойнинг туризмининг провинциялари ва Сирдарё вилояти ўртасида ташқи иқтисодий, савдо алоқалари, илм-фан, технологиялар, бунёдкорлик, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилди.

## АВИАҚАТНОВЛАР КЎПАЯДИ



Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Қозоғистон авиация маъмуриятлари ўртасида музокара бўлиб ўтди. Транспорти вазири ўринбосари Жасурбек Чориев ҳамда Қозоғистон Фуқаро авиацияси қўмитаси раиси Таалат Ластаев раҳбарлигида кечган музокарада фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, келишилган йўналишларда мунтазам авиакатновлар сонини кўпайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҚШДАГИ ЯНГИ ЭЛЧИСИ ТАЙИНЛАНДИ



Ташқи ишлар вазири биринчи ўринбосари Фуқрат Сиддиқов Ўзбекистоннинг АҚШдаги янги элчисига айланади. 2017 йилдан буён АҚШдаги дипломатик миссияни бошқариб келган Жавлон Ваҳобов ТИВга ишга келиши кутилмоқда. 3 март куни Олий Мажлис Сенати Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси лавозимига Фуқрат Сиддиқов номзодини маъқуллади.

## ФРАНЦИЯДА МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ



Франциянинг Тулуза шаҳрида жойлашган Фуқаролик авиацияси миллий мактаби ҳудудида Мирзо Улуғбек ҳайкали ўрнатилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Самарқанд вилояти делегацияси иштирок этди. Мазкур санъат асари нарпайлик ҳайкалтарош Умрзоқ Шарипов томонидан яратилган.

# УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТГАН МАСАЛА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган тарздаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент маслаҳатчисининг ўринбосари Олимжон Салиев, Олий Мажлис Сенатининг хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова, Олий суд раиси биринчи ўринбосари Робохон Маҳмудова, Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқова, комиссия аъзолари, вазирилик ва идоралар раҳбар ўринбосарлари, Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосарлари, тегишли ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этди.



Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссия-

си раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди. Қайд этилганидек, Президентимиз ташаббуси билан амалга татбиқ этилган ноёб тизим, яъни «Аёллар дафтари»нинг ниҳояланган уч босқичи

натиядорлиги билан ўзгача аҳамият касб этди. Хусусан, 2020-2022 йиллар давомида қўллаб-қувватлаш ҳотин-қизларга амалий ёрдам берилди. Жумладан, 1-босқичда 430 минг 275 нафар, 2-босқичда

450 минг 870 нафар, 3-босқичда эса 641 минг 816 нафар, жами 1,5 миллион нафардан ортиқ хотин-қизлар қўллаб-қувватланди. Аёлларнинг иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни уй-жой, иш

билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга ва бошқа бир қатор ҳаётий эҳтиёжларга давлатимиз томонидан 3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

>>> 2

## Спорт



## Бирдамлик ва ҳамжиҳатлик қўл келди

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан тасарруфдаги мактабларнинг ўқитувчи-ҳодимлари ўртасида спортнинг гандбол тури бўйича ташкиллаштирилган мусобақа якунига етди.

Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси раиси Жўшқин Очилов. – Бирдамлик, ҳамжиҳатлик, айниқса, ғалаба бўлган қатъий ишонч ўз самарасини берди. Бу ерга бежиз келмаганимизни амалда исботладик. Тўғри, финал босқичига чиққан ҳар бир гуруҳ ўзига яраша кучли эди. Лекин омад бизга қулиб боқди.



– Гандбол тури бўйича мусобақа республика доирасида биринчи мартаба ўтказилмоқда, – дейди Чилонзор туманидаги 1-сонли спорт мактаби мураббийси Дилбар Сафина. – Чунки бу спорт тури бошқаларга нисбатан анча машаққатли. Бунинг гандбол билан шуғулланаётганлар жуда яхши ҳис қилишади. Финалдаги рақибимиз бизга қараганда анча ёш ва кучли эди. Шу ўринда ўта кенг кўламли тадбирни кўтаринки руҳда ташкил этган масъулларга ўз миннатдорлигини билдираман.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

## Марказий сайлов комиссиясига

# БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛМАЙДИМИ?

119-Гурлан сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат Зафар Абдиримов яқинда Ҳазорасп тумани ҳокими этиб тайинланди. Январь ойида эса яна бир хоразмлик депутат, 120-Ҳазорасп сайлов округидан шу парламентга сайланган Нигора Қутлимуратова вилоят ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи вазифини бажара бошлади.



Демокчи бўлганим, ҳозирги кунда Қонунчилик палатасида ўндан зиёд депутатлик ўринлари бўш. Масалан, 48-Тўрақўрғон сайлов округидан сайланган депутат Акмал Бурҳоновнинг муддати 2020 йил августда тугатилган. Борий Алиханов ва Нариман Умаров 2020 йил октябрда Олий Мажлис Сенати аъзолари этиб тайинланган. Аваз Ўринбоев 2021 йил март ойида Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосарлигига лойиқ кўрилган. Шухрат Полвановнинг Олий суд раиси ўринбосари лавозимида иш бошлагани муносабати билан 2022 йил ноябрь ойида депутатлик ваколати тугатилган.

Сайлов кодексининг 74-моддасида бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик пала-

таси депутатлари сайловини ўтказиш тартиблари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, депутатларнинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда, тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. У Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекс талабларига биноан ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йиғирма беш кун, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка иш бошлагани муносабати билан 2022 йил ноябрь ойида депутатлик ваколати тугатилган.

Сайлов кодексининг 74-моддасида бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатининг

ўрни бўшаб қолган тақдирда, бу ўринга янги депутат сайловга ўтказилмаслиги мумкин. Бироқ шу пайтга қадар Олий Мажлис қонунчилик палатасининг бўшаб қолган ўринларининг биронтасида сайлов ўтказилмаган. Кодексда, шунингдек, депутатлик ваколати тугатилгандан кейин қанча муддат ичида қайта сайлов ўтказилиши очикланмаган. Сайлов кодекси қабул қилинганида сиёсатчиларимиз унинг оламшумул аҳамиятига эътиборни қаратишганди. Бироқ қонун ижроси билан кучли дейдилар. Шундай экан, Сайлов кодексининг 74-моддаси ижроси нега таъминланмаётганини кўпчилик учун қизиқ туюлаётди.

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА «ISHONCH»

# УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТГАН МАСАЛА

<<< 1

Олдинда аввалгилардан-да масъулиятли вазифалар турибди. Бу «Аёллар дафтари» билан ишлашни янада чуқурлаштирган ҳолда, 4-босқичга доир вазифаларни адо этишди. Галдаги босқичнинг салмоғини шундан ҳам билиш мумкинки, ушбу жараён 1 миллион 680 нафар эҳтиёжманд аёлни қамраб олади.

Янги йилнинг илк кунлариданок, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида кейинги босқич билан боғлиқ ташкилий жараёнларга киришилди. «Аёллар дафтари» ишларини мувофиқлаштириш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун ҳар бир вилоят ва туман (шаҳар)да 500 нафардан зиёд касба уюшма масъуллари ва фаоллари жалб этилди. 9 минг 397 та маҳаллада жамоатчилик фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари хонадонма-хонадон ўрганишлар олиб борди. 30 ва ундан катта ёшдаги 7,7 миллион нафардан ортиқ хотин-қизлар билан суҳбат асносида мавжуд муаммолар расмийлаштирилди.

Маҳаллий ҳокимлик ва масъул идоралар билан келишган ҳолда 1 миллион 680 нафар «Аёллар дафтари»га киритиладиган эҳтиёжманд хотин-қизнинг рўйхатлари, уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Индивидуал дастурлар» ва «Йўл хариталари» маҳаллий кенгашлар сессияларида тасдиқланди.

Айни чоғда 4-босқичнинг бир қатор тоифалар даражасида ҳал этилиши режалаштирилмоқда. 1-тоифадан ўрин олган 425 минг 760 нафар хотин-қиз ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз. 2-тоифага мансуб 49 минг 622 нафари эса тадбиркорлик қилиш истагида бўлганлардир. 3-тоифага киритилган 225 минг 538 нафар хотин-қиз боқувчиси бўлган эҳтиёжмандлар бўлиб, шулардан 3 минг 868 нафарининг уй-жойи таъмирга муҳтож. 4-тоифадаги



лар ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий ёрдамга муҳтожлар 202 минг 901 нафар бўлиб, улар орасида 2 минг 237 нафарининг уй-жойи таъмирга муҳтож. 5-тоифага киритилган 9 минг 116 нафар аёл эса уй-жойга муҳтож. Уларнинг 1 минг 595 нафари бошпана билан таъминланиши керак, 7 минг 521 нафарига эса ижара компенса-

цияси тўлаб берилиши лозим. 6-тоифа – қарамоғида ногирон фарзанди бўлган 87 минг 743 нафар аёлнинг 4 минг 160 нафарига томорқасидан самарали фойдаланиши учун ёрдам кўрсатилиши керак.

Айтиш жоизки, «Индивидуал дастурлар»нинг ҳар ҳафтада ижроси талаб қилиниб, таъсирчан назоратни амалга ошириш механизми йўлга қўйилади. Бу жараёнда хотин-қизларнинг доимий равишда оиласига даромад келиб туриши таъминланади, уларни уч ойлик жамоат ишларига жалб қилиб, айни пайтда дафтардан чиқаришга йўл қўйилмайди. Яъни мунтазам равишда назорат олиб борилади.

Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларга тадбиркорлик кўникмалари ўргатилиб, кредит олгандан сўнг оёққа тургунга қадар қўллаб-қувватланади.

225 минг 538 нафар боқувчиси бўлган, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 202 минг 901 нафар ижтимоий ва тезкор тиббий ёрдамга муҳтож, 87 минг 743 нафар қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд хотин-қизларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробари миқдоридан, секторлар раҳбарларининг хулосаси асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз ҳамда уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар орасидан иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатда бўлганларига ҳам базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилади.

«Аёллар дафтари» Низомиди 21 турдаги хизматлар «дафтар»га киритилган барча хотин-қизларга кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган. Тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар шулар жумласидандир.

Агар йил давомида эҳтиёжманд бўлмаган бирон-бир аёл кўнгилсиз воқеа ёки бахтсизликка учраб, эҳтиёжмандлар қаторига тушиб қолса, улар ҳам депутатлар кенгаши қарори асосида «Аёллар дафтари»га киритилади.

«Аёллар дафтари» тизimini тўлиқ электронлаштириш, ортиқча бюрократияларни камайитиш талаб этилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, «Аёллар дафтари»нинг махсус платформасини такомиллаштириш лозим.

Йиғилишда тегишли вазирлик томонидан мутахассисларни жалб этган ҳолда платформани такомиллаштириб, уни «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» электрон платформалари билан интеграция қилиш масаласини ҳал қилиш лозимлиги қайд этилди. Шундан сўнг секторлар раҳбарлари, мутасаддилар томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Видеоселектор йиғилишида «Аёллар дафтари»нинг 4-босқич ижросини бекаму кўст таъминлаш, бу йўналишда юзакчиликка йўл қўймаслик юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

## Соғломлаштириш

бор қаратилади, малакали тиббиёт ходимлари жалб этилиб, зарур дори-дармон воситалари билан таъминланади. Таълим-тарбия ва маънавий-маърифий спорт тадбирларини уюштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади. Бу масканларга ишга юборилаётган барча педагог ходимлар, жумладан, тарбиячи, етакчи, тўғрақ раҳбари учун махсус ўқувлар ташкил этилади.

Мавсум яқин, ишларни тизимлаштириш лозим бўлган бир шароитда айрим ҳудудларда қарор ижросини таъминлашда сусткашликларга йўл қўйилмапти. Тасарруфга ўтказилган 63 та оромгоҳнинг 9 таси (Наманган вилоятида 4 та, Қашқадарёда 3 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида 1 тадан) бўйича далолатномалар ҳали-ҳануз имзоланмаган. Наманган ва Қашқадарё вилоятларида 2 та оромгоҳнинг кадастр ҳужжатлари ҳамон тайёр эмас. Тошкент вилоятида жойлашган «Геолог» оромгоҳининг қурилиш ишлари якунланмаган.

Бу каби ҳолатларга барҳам бериш лозимлиги алоҳида таъкидланган йиғилишда тегишли мутасаддиларга амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланиб, мавсумни ташкил этиш ва ўтказишда ҳеч қандай муаммо ва тўсиқлар бўлмаслигига алоҳида урғу берилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

# Оромгоҳлар мавсумга қандай ҳозирланмоқда?

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида мамлакатимиз Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов болалар соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга тайёрлашдаги белгилаб берилган концептуал вазифалар ижросига тўхталди.

Болаларни дам олдирив ва соғломлаштириш масканлари моддий-техника базасини мустақкамлаш, мавжуд шароитларни тубдан яхшилаш жаҳасида янги саҳифа очган қарор ижроси юзасидан касба уюшмалари томонидан тезкор чоралар кўрилиб, муайян ишлар амалга ошириб келинапти. Утган фурсатда болаларни соғломлаштириш ва уларнинг дам олишини ташкил этишга доир концепция ишлаб чиқилиб, жорий йилда амалга ошириладиган «Йўл харитаси» белгилаб олинди.

Оромгоҳлар базасида ташкил этиладиган дам олиш масканлари тўғрисидаги намунавий низом, мавсумни ташкил этиш бўйича республика ва ҳудудий комиссия-

лар тўғрисидаги низом ҳамда комиссияларнинг намунавий таркиби тасдиқланди. Федерация тасарруфида болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари, болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси тузилди.

Эндиликда соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш ва назорат қилиш Касба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги департамент томонидан амалга оширилади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари қарори билан 63 та оромгоҳ Федерацияга ўтказилган. Тизимдаги мавжуд ва тасарруфга олинган оромгоҳлар инвентаризациядан ўтказилиб, бино ва иншоотлар ҳолати ўрганиб чиқилган. Янги соғломлаштириш масканларининг аксар қисми таъмирга муҳтож бўлиб, кўплаб муассасаларда энг од-

дий шарт-шароитлар ҳам мавжуд эмас. Галдаги вазифа янги лойиҳа асосида 150-200 ўринли оромгоҳлар барпо этилишига қаратилган бўлиб, бу масканларда жорий ва капитал таъмирлаш, яроқсизларини қайта қуришга 2 триллион сўмга яқин маблағ талаб этилади.

Вазирлар Маҳкамасига жойларда сотувга қўйилган ва фойдаланилмаётган 10 та оромгоҳни Федерация тасарруфига ўтказиш бўйича таклиф киритилган. Бу бўйича давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда ҳукумат қарори лойиҳаси ҳам тайёрланмоқда. Ушбу масалаларнинг ижобий ечимини таъжиссида касба уюшмалари тасарруфидаги оромгоҳлар сони 100 тани ташкил этади.

Жорий мавсумда болаларни оромгоҳларга қамраб олиш даражасини кўтаришдек муҳим вазифа ҳам турибди. Шу билан бирга, сифатли тиббий хизмат ташкил қилинади, санитария-гигиена талабларига риоя этилишига алоҳида эъти-



Саломат Абдураҳмонов орадан суратлар

## Тошкент вилояти | Бадий кеча

Паркент туманида жойлашган «Заркент» санаторийсида Зулфияxonим Исроилова таваллуд кунига бағишлаб бадий кеча ўтказилди.

# Дилтортар сатрлар жозибаси

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳассос шоирнинг ижоди ва фаолияти тўғрисида сўз юритишди. Зулфияxonим ижод намуналарида миллатлараро тотувлик, тинчликсеварлик гоҳлари кенг тараннум этилганини, шунингдек, шеърлари жаҳоннинг турли мамлакатлари, жумладан, Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари тилларига таржима қилинганини, шоира бу борадаги хизматлари учун Ҳиндистоннинг «Жавоҳарлаъл Неру» ҳамда «Нилуфар» халқро соврини билан тақдирланганини айтиб ўтишди.

Зулфияxonимнинг дилтортар сатрлари ва куй-қўшиқлар бадий кечага янада ўзгача фойз бағишлади.

Муниса ТУРАБОВА, «Заркент» санаторийси маънавий-маърифий ишлар тарғиботчиси



## Форум

# Муваффақият ОМИЛИ



Пойтахтимизда «Тадбиркор аёл» халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси ташаббуси билан «Фермер аёллар: муваффақлаштириш ва янги технологиялар – муваффақият омили» мавзусидаги IV аънавий форум бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, халқаро ва жамоат ташкилотлари, вазирлик, идоралар вакиллари қатнашди.

Тадбирда республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида самарали фаолият юритаётган 100 нафардан зиёд фермер аёллар тақдим этган презентацияларда, рақамли савдо – фермер аёллар учун янги имкониятлар, маҳсулотлар логистикаси ва экспортни ташкил этишнинг янги имкониятлари, уларни интернет ресурслар орқали йўлга қўйиш истиқболлари каби қатор масалалар ўртага ташланди.

Қарийб йигирма беш йилдики, деҳқончилик билан машғулман. Ҳозирда 50 гектар майдонда бўғдой, арпа етиштираман, шунингдек, боғдорчилик билан шуғулланаман. Дарахларни пайванд қилиш билан шуғулланаман. 15 нафар доимий, 100 нафардан зиёд мавсумий ишчиларим бор, – дейди Жиззах вилояти Бахмал туманидаги «Шоҳ Артур» фермер хўжалиги раҳбари Бувражаб Бобомуратова. – Ушбу форумда инновацион технологиялар, улар орқали камчиликларни қандай бартараф этиш йўллари билан танишдик. Бу келгуси фаолиятимизда асқатиши шубҳасиз.

Форум иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Комила БОЙМУРОДОВА «ISHONCH»



Бугунги кунда ҳаётимизнинг муайян қисми интернетга кўчган десак, асло муболаға бўлмайди. Чунки таълим дейсизми, соғлиқни сақлаш, савдо-сотик дейсизми, барча соҳаларда ундан эркин фойдаланамиз. Ҳатто дўстлик ёки севги туйғуларини ижтимоий тармоқлардан қидирадиганлар ҳам топилди. Оқибатда кўпчилик сохта туйғуларга алданиб, фирибгарлар тузоғига тушиб қолмоқда.


Масалан, «Йигит ўзига таниш аёлга шахсий видеоларни тарқатиш билан «шантаж» қилди», «Суратларни тарқатмаслиги эвазига товламачилик йўли билан пул сўради», «Ишқий муносабатлари акс этган фото ва видеотасвирларини тарқатмаслик эвазига пул олаётган вақтда кўлга тушди» каби хабарларга дам-бадам кўзимиз тушади. Булар фақат Ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ҳолатлардан бир томчи, холос. Кўпчилик эса истиҳола қилиб, тегишли ташкилотларга ўз вақтида мурожаат қилмайди, шаънига доғ тушмаслиги учун товламачи сўраган пулни бир амаллаб топиб беради. Лекин шундан кейин ҳам узоқ вақт ундан қутулмай юради.

Бундай ҳолатлар туфайли қанчадан-қанча оилалар тинчлигини йўқотяпти, ота-оналарнинг номусдан боши эгиляпти, ёш оилалар барбод бўляпти. Энг ачинарлиси, илложсизликдан ўзини ўзи ўлдиришгача бораётганлар ҳам йўқ эмас.

Яқинда бир танишимиз қизини унаштирган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бўлажак куёв билан келишолмай, тўйни бекор қилмоқчи бўлади. Шунда йигит аёлга кўнгирак қилиб, минг доллар беришни талаб қилади. Агар талаби бажарилмаса ёки тўй қолдирилса, қиз билан бирга тушган суратларини интернет орқали тарқатиб юборишини айтади. Бу гапни эшитиб, она ваҳимага тушади. Қизнинг кейинги тақдирини кўриб, ноилж тўй қилишга розилик беради.

Бундай воқеалар сўнгги пайтларда бот-бот кузатилляпти. Хўш, унинг сабаблари нимада? Хотин-қизлар фирибгарлар ва ёлғончиликка нега бунчалик ишониб қолишмоқда? Уларнинг соф-тоза туйғулари нега ғаразли мақсадлар йўлида қурбон бўлмоқда?

Ижтимоий тармоқлар кундалик ҳаётимизда тобора кўпроқ ўрин эгал-



# ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ҚАЙ СЎҚМОҚҚА ЕТАКЛАР?

ляпти. Аксариятимиз эрта тондан кечгача виртуал ҳаёт оғушидамиз. Гоҳо иш юзасидан, гоҳида ахборот алмашиш, вақт ўтказиш ниятида интернетга ипсиз боғланиб қоламиз. Табиийки, кўпчилик, айниқса, ёшлар ундан тўғри, самарали ва ўз ўрнида фойдаланиши билмайди ёки жорий қоғдаларга риоя қилмайди. Қолаверса, интернетда инсоний ҳис-туйғулар шу қадар очиқлашиб кетганки, йигит ва қиз бир-бирга бемалол муҳаббат изҳор қилади, севгисини атрофдагиларга кўз-кўзлайди. Бирга тушган фотосуратлари ёки видеоларини интернетдаги саҳифаларига жойлайди ёки ал-

машади. Илгари-чи?.. Илгари қизлар муҳаббатдан сўз очиб у ёқда турсин, севган кишининг кўзига тик қарашга ҳам уялганлар...

– Йигит-қизлар ҳар қанча яқин муносабатда бўлмасин, бирга расм ва видеоларга тушиб яхши эмас, – дейди хотин-қизлар ва зўравонлик масалаларини ўрганувчи блогер Ақида хоним. – Агар танишган одами, аниқроғи, сохта севгилиси расм-видеоларини тарқатиш билан кўрқитадиган бўлса, биринчи навбатда, ички ишлар органларига мурожаат қилиш лозим. Қонунда бундай қилмиш учун муқаррар жазо белгиланган. Аммо ана шундай таҳдидга учраган баъзи қизлар «Айтсам, одамлар орасида шарманда бўлман-ку!» деган истиҳолага бориб, бунга жазм қиллолмайди. Қарабсизки, жазоланмай қолган товламачилар узоқ вақт уларни шундай пўписа билан кўрқитиб юришади.

Айрим аёллар бу масалада кимга

ва қерга мурожаат қилиш мумкинлигини ҳам билмайдилар. Кўпинча блогерлардан ёрдам кутадилар. Ижтимоий тармоқ юритувчилари муаммони имкон қадар ёритадилар, лекин унга қарши чора кўролмайдилар. Улар фақат ўзлари аниқлаган маълумотларни тегишли ташкилотларга тақдим этиш ваколатига эга. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларига фирибгарни жазога тортади. Акс ҳолда, муаммо тобора илдириб отиб бораверади.

Замонавий ёшларнинг аксарияти вайн, тик-ток, инстаграмдан фойдаланади, уларни кузатади. Ушбу нохушликларнинг олдини олиш учун ижтимоий тармоқ фаоллари билан ҳамкорликда ишлаган маъқул. Вайнерлар, тик-токер, инстаграм юритувчилари ва албатта, ҳуқуқшунослар, блогерлар алдамчи туйғулар, айни турдаги фирибгарликларнинг оқибатлари, улар учун белгиланган жазолар ҳақида лавҳалар бериб боришлари,

ёшларни ва хотин-қизларни мудом огоҳликка ундашлари зарур. Бу борада, айниқса, ота-оналар, зиёлилар, устоз-мураббийлар, маҳалла фаолларидан, сирасини айтганда, жамиятнинг уйғоқ вакилларидан фаоллик талаб этилади. Улар ёшларнинг юриш-туришларини биргалликда назорат қилиб боришлари, тўғри йўл-йўриқлар кўрсатишлари, покиза туйғуларни ўткинчи ҳою ҳавасларга алишмаслиқни, дуч келган кишининг макр-ҳийласига учмаслиқни тушунтиришлари лозим.

Аёл зоти азал-азалдан ҳаё, ибо тимсоли саналади. Қолаверса, динимизда номаҳрам деган тушунча ҳам бор. Шарият бўйича аёлларнинг бегона эркаклар билан очик муносабатда бўлишлари, уларга ўз суратларини тақдим этишлари ёки бирга суратга тушишлари тақиқланади.

– Инсон ижтимоий тармоқлардан эзгу ва холис ниятда фойдаланиши жоиз, – дейди Тошкент шаҳар

## Мулоҳаза

бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси Зулайхо Соатова. – У интернетнинг дунё охирига учун зарар келтирувчи чексиз-чегарасиз кўчаларида санғиб, вақтини зое кетказмаслиги керак. Номаҳрамларга шаҳват кўзи билан қараш унинг гуноҳга ботишига сабаб бўлади, зеҳни ва хотирасини сусайтиради, саломатлигига путур етказиши. Бундан ташқари, эркакнинг аёлига ёки аёлнинг эрига нисбатан қизиқиши йўқолиб, оиласи ва фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ҳис этмай қўяди. Оилалардаги бундай парокандаликлар жамиятимиз тарққиётига салбий таъсир кўрсатиши тайин.

Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилган: «**Сен мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима ҳунар қилаётганларидан хабардордир**» (Нур сураси, 30-оят).

Модомики, шундай экан, айрим йигит-қизлар шайтоний нафс истагида номақбул ишлар билан шуғулланиб, устига-устак, буни ижтимоий тармоқларда ҳаммага кўрсатиб, зинода ўзига шерик бўлган ожизаларга уларнинг шармандасини чиқариб, обрўсини тўкиш билан таҳдид қилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Ёки айрим аёлларнинг ижтимоий тармоқ саҳифалари профилиларига турли ёшдаги эркаклар эътиборини тортадиган, зинога етаклайдиган турфа кийимдаги ва ноз-қарашмали ҳолатдаги суратларини қўйишларига нима дейиш мумкин?

Энг ёмони, ана ўша биргина сурат воситасида танишувлар, номаҳрамларнинг ўзаро суҳбатлари, бора-бора бир-бирлари билан учрашувлар, ҳатто зино қилишлар ҳам содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шариятнинг бош мақсадларидан бири эса инсонларга ҳалолликни ўргатишдан ва ҳаромга элтувчи барча эшикларни ёпишдан иборат.

Аёл – сирлилиги, хулқ-атвори, сийрати билан ўзал. У қанчалик очик китоб бўлса, шунчалик қадрсизланиб боради. Агар у ўз қадр-қимматини билса, ҳеч ким унга ва шахсиятига таҳдид қиллолмайди. Демакки, инсон хатти-ҳаракати учун, аввало, ўзи жавобгар. Гапирётган сўзимиз, амалдаги ишларимиз, ўзгалар билан муносабатимиз одоб-ахлоқ доирасида бўлмоғи лозим. Биз ана шу чегарани унутмаслигимиз ва ундан четга чиқмаслигимиз шарт!

Гулруҳбегим ОДАШБОВА  
«ISHONCH»

**АЁЛ ЗОТИ АЗАЛ-АЗАЛДАН ҲАЁ, ИБО ТИМСОЛИ САНАЛАДИ. ҚОЛАВЕРСА, ДИНИМИЗДА НОМАҲРАМ ДЕГАН ТУШУНЧА ҲАМ БОР. ШАРИАТ БЎЙИЧА АЁЛЛАРНИНГ БЕГОНА ЭРКАКЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУНОСАБАТДА БЎЛИШЛАРИ, УЛАРГА ЎЗ СУРАТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЁКИ БИРГА СУРАТГА ТУШИШЛАРИ ТАҚИҚЛАНДИ.**

## Таҳлил ва таклиф

# ҲОКИМЛАРГА ИШОНЧСИЗЛИК ВОТУМИ

## ёхуд уни жорий этиш қанчалик долзарб?

**Ишончсизлик вотуми деганда, парламент бошқарув тизими мавжуд бўлган давлатлар парламенти фаолиятида қоида тариқасида ҳукумат ёки айрим вазирларнинг сиёсий йўли, муайян тадбири ёки қонун лойиҳаси қўйи палата томонидан номаъқул деб топиллиши тушунилади. Хорижий давлатлар тажрибасини кузатсак, бундай тартиб-қоида уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилганининг гувоҳи бўламиз.**

Масалан, АКШнинг Орегон штатидан ташқари, барча штатларида уларнинг қонун чиқарувчи органи губернаторни импичмент қилиш ҳуқуқига эга. Аксарият штатларда бу жараён президентларга импичмент билдириш федерал даражада қўлланиладиган жараёнга ўхшайди. Агар штатнинг қонун чиқарувчи органи қўйи палатаси импичментни қўллаб-қувватласа, у ҳолда юқори палата импичмент суди вазифасини бажаради ва губернаторни айбдор деб топиб тўғрисида овоз беради.

«Козогистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига асосан, Маслаҳат органи (вакиллик органининг номи) депутатлари умумий сонининг қўйи палата билан бир қисми ташаббуси билан ҳокимга ишончсизлик вотуми билдириш масаласи қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда Маслаҳат органи ўз депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овози билан ҳокимга ишончсизлик билдириш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги масалани тегишли равишда мамла-

кат Президенти ёки юқори турувчи ҳоким олдида қўйиш ҳуқуқига эга.

Қирғиз Республикасида 2011 йил 15 июлда қабул қилинган «Маҳаллий вакиллик органлари органининг тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида маҳаллий кенгашларнинг қўшма мажлиси маҳаллий ижро ҳокимияти органи раҳбарига ўз вазифаларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун маҳаллий кенгашлар қўшма мажлиси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисми овози билан ишончсизлик билдириш ваколатига эгалиги қайд этилган.

Ўзбекистон қонунчилиги ҳужжатларида маҳаллий ижроия ҳокимият органлари раҳбарлари, яъни ҳокимларга нисбатан у ёки бу вакиллик органи ёхуд ташкилот томонидан ишончсизлик вотумини билдириш бўйича нормалар белгиланмаган.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий вакиллик органлари томонидан етарлича назорат ўрнатилмагани, ҳоким қарорларини қабул қилиш жараёнларининг мураккаблиги, очиклиги таъминланмагани ҳамда ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмагани жойларда зорога келаятган муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисида 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида сўнгги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бекор қилинган танқид остига олинди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 2019-2021 йилларда суд қарорлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таъсир чораларига асосан бекор қилинган, ҳақиқий эмас деб

топилган ва қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилган қарор ва фармойишлари Адлия вазирлиги томонидан унинг ҳудудий органлари билан ҳамкорликда ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Олинган статистик маълумотларга кўра, шу давр мобайнида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жами 28 253 та ҳужжати, шундан прокуратура, адлия ва бошқа органлар таъсир чораларига мувофиқ 14 492 та қарор ва фармойиш бекор қилинган ҳамда 8 725 таси қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилган, 5 036 таси суд органлари томонидан ҳақиқий эмас деб топилган.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жорий қонун ҳужжатларига зид, ноқонуний қарор ва фармойишлар қабул қилинишининг асосий сабаб ва омиллари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:**

1. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий вакиллик органлари томонидан назорат қилишнинг аниқ механизми мавжуд эмаслиги, маҳаллий ижро ва вакиллик органларига раҳбарлик бир шахс томонидан амалга оширилиши.
2. Маҳаллий вакиллик органлари депутатлари жамоатчилик асосида фаолият юритиши ҳамда ишга бўлган муносабат ҳам шунга монанд эканлиги, уларнинг фаолияти етарлича мувофиқлаштирилмаётгани.
3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норма ижодкорлиги тартибларини бузиш ҳолатлари мавжудлиги ва бунинг учун қонунчиликда аниқ жавобгарлик белгиланмагани.
4. Ҳокимликларда дискрецион ваколатлар кенглиги (чегараларини аниқлашнинг имкони мавжуд бўлмаган ваколатлар) оқибатида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қарорлар қабул қилиниши ҳолатлари мавжудлиги.
5. Ҳокимликлар томонидан ўз ваколатлари доирасига кирмайдиган айрим ҳужжат (қарор, фармойиш)ларнинг қабул қилиниши.
6. Юридик хизмат ходимларининг малакаси ва ойлик иш ҳақининг пастлиги ҳамда уларнинг



зиммасига ортиқча вазифалар юкланиши.

7. Маҳаллий норма ижодкорлиги жараёни устидан жамоатчилик назорати ўрнатилмагани ва соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) жорий этилмагани.

Ҳокимликлар томонидан ноқонуний ҳужжатлар қабул қилинишининг олдини олиш, уларнинг фаолияти очиклигини таъминлаш, соҳада замонавий АКТни қўллаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сонли қарорига биноан «Е-қароғ» электрон тизими ўша йил 1 июлдан эътиборан республиканинг барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилиб, қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар мониторингини юритиш адлия органлари зиммасига юклатилди. Ҳудудий адлия органлари томонидан «Е-қароғ» электрон тизими ишга туширилганидан то 2023 йилнинг 1 январига қадар тизим органлари ўтказган мониторингларда 8 881 та қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд ҳокимлик қарорлари аниқланди. Уларнинг 6 939 тасини бекор қилиш юзасидан 2 478 та таъсир чораси киритилди. Натижада 6 630 та

қарор бекор қилинди ва 231 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Юқоридаги далиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий вакиллик органлари ваколатларини кучайтириш, ижро органлари фаолиятига том маънода халқ вакиллари сифатида баҳо берилишининг ҳуқуқий асосларини яратиб мақсадида ҳокимларга ва кенгашга ҳисобот бериувчи шахсларга ишончсизлик вотуми билдириш юзасидан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада бойитиш ва такомиллаштириш зарур. Бу тақлифлар инobatга олинса, аввало, халқ вакиллари бўлмиш депутатлар ва маҳаллий кенгашларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари ошади, ижро ва вакиллик органларининг бир-бирини тийиб туриши ва ҳокимиятлар бўлинишининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади, пировардида вакиллик органлари фаолияти кучаяди.

Сардорбек АЗИЗОВ,  
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

### Ҳикмат

**Илгарилари табиати бой мамлакатлар энг бадавлат мамлакатлар ҳисобланарди, эндиликда одамлари ғайратли бўлган мамлакатлар – бадавлат ҳисобланади.**

Г. БОКЛ

Яқинда Хоразм улкан маънавият байрамига мезбонлик қилди. Ўзбек адабиётининг етук вакилларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Матназар Абдулҳақим таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди.

# Ўзидан баҳорлар қолдирган шоир

Хотира

«Адабиёт кунлари» доирасида дастлаб воҳа ижодкорлари Урганч туманидаги Шоҳобиддин бобо қабристонига мангу кўнми топан шоир қабрини зиёрат қилишди. Шоир яшаган уй пештоқига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Вилоят ахборот-кутубхона марказида шоир таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан 2023 йил тақвими, янги нашр этилган китоблар, шоир ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи фотокўргазма тақдими ўтказилди. Вилоят мусиқали драма театрида «Назм ва наво» кечаси ташкил этилди. Шоир фаолият кўрсатган Урганч туманидаги 7-сонли умумтаълим мактабига адабий-маърифий кеча, Хоразм Маъмун академиясида «Хотира кечаси» уюштирилди. Урганч Давлат университети Маданият саройида «Матназар Абдулҳақим ижодининг Ўзбек шеърятига тутган ўрни» мавзусида илмий-адабий анжуман ўтказилди.

Албатта, бу тадбирлар мундарижасининг кенглиги Матназар Абдулҳақим ижоди ва фаолияти ҳақида билдириладиган фикрлар кўплигидан далолатдир.

«Гарчи шик мангу бахт, боқий жамолдир, Умр деганлари эсан шамолдир, Шиддати қошида учган ўқ лолдир, Ўзиндан ҳаммиша баҳорлар қолдир, Эмассан ҳаммиша баҳор, юрагим» деб ёзган эди шоир.

**Ҳикмат**  
Бу гулшан ичраки, йўқдур бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от. АЛИШЕР НАВОЙ

Сиз меҳригиёҳ (мандрагора) ҳақида эшитганмисиз? У ғайриоддий хусусиятларга эгаллиги боис кечалари ёниб туришини, шунга кўра, ёнарғиёҳ деб ҳам аталишини биласизми?

## МЕҲРИГИЁҲ — ҲАЁТ ИЛДИЗИ



Биз ана шу ажабтовор ўсимлик ҳақида маълумот олиш учун «Муқобил табобат» илмий маркази раҳбари Абдуғаффор НУРИДДИНОВАга мурожаат қилдик.

Меҳригиёҳ азал-азалдан гиёҳлар султони саналган. Тарихий битикларда қайд этилишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво Ерга туширилгач, илдизи инсон шаклидаги ушбу гиёҳ ўсиб чиққан. Жаҳон фани равнақида улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да, Хамид Зоҳидовнинг «Шифо хазинаси» ва бошқа бир қатор китобларда ушбу гиёҳга доир қизиқarli маълумотлар келтирилган.

Меҳригиёҳнинг ҳозир олтига тури мавжуд бўлиб, барчасининг илдизи икки хил (эркак ва аёл) кўринишига эга. Улар асосан Жанубий Европа, Яқин Шарқ ва Шимолӣ Африка, шунингдек, Ўзбекистоннинг Хонжиза, Сангардак, Зомин тоғларида, салқин даштлар ва саҳроларда учрайди. Тунги соат бир билан уч орасида юлдузлардан озикланиши, осмон жисмлари кувватини қабул қилиши боис кечаси ўзидан нур таратиб туради.

Ута ноёб ва шифобахш саналгани сабабли кейинги пайтларда бу ўсимликка эҳтиёж ортмоқда. Аммо вақт ўтгани сайин сийраклашиб бораётгани туфайли 30-

50 километрлик масофа оралиғида атиги 3-5 донасини топиш мумкин. Уни ердан чиқариб олиш эса осон эмас. Бу ишга инсонни жалб этиш аянчилик оқибатларга олиб келиши, туپроқдан ажратилган жараёнида янграйдиган жуда ваҳимали қичқирқандан ҳар қандай киши ҳушидан кетиши, ҳатто жон таслим қилиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун одатда итлардан фойдаланилади. Аввалига меҳригиёҳнинг илдизлири атрофи очилиб, арқоннинг бир



учи унга, иккинчиси итга боғланади, сўнгра узокроққа емиш ташланади. Шунда емишга ўзини отган ит илдизини сўгуриб олади-ю, ўша заҳотиёқ даҳшатли овоз таъсирида ҳалок бўлади.

Меҳригиёҳ илдизининг одам кўринишида эканлиги, кечаси ўзидан нур таратиши, кучли бақирғи қадимдан инсониятда катта қизиқиш уйғотган. У ўрта асрларда жодугар гул деган ном ҳам олган. Бу ўсимликни сеҳргарлар инсонларни ақдан ёки гузалликдан маҳрум қилишда, шикастланиш ва ёмон кўзлардан ҳимоялашда ишлатишган. Шунингдек, уни бойлик, ризқ, куч-қудрат ва илоҳий ҳимоя рамзи сифатида тумор қилиб таъбиҳ юришган. Айрим хусусиятларига кўра, женьшенга ўхшайдиган, аслида ундан кескин фаркландиган, табобатимиз-

Матназар Абдулҳақим баракали ижод қилиб, ўзидан бой адабий мерос қолдирди. Унинг ҳаёти, асарлари ва илмий изланишлари «Шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўлади» деган таъбирнинг ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермаслигини исботлади десак, асло муболаға бўлмайди. Шоир чекка бир ҳудудда туриб, ўзи яшаган мазлиси адабиёт марказига айланган билди. Рус ва форс тилларини мукамал билиши туфайли Шарқ ва Ғарб фалсафасини бир нуқтада жамлаб олган ижодкор бетакрор сатрлар битди. «Дарсдан сўнг» шеърисида ёзганидек, шоир ўз ижодини улкан йўлдан бораётган миллатни қаққирлардан ҳимоя қилишга бағишлади. Бу йўлда бирон-бир сўзни увол қилмади. Ҳар бир асарига, ҳар бир сатрига ижтимоий салмоқ юклади.

**МАТНАЗАР АБДУЛҲАҚИМ ҲАЁТДА ҲАМ, ИЖОДДА ҲАМ ҲЕЧ КИМГА ХУШОМАД ҚИЛМАДИ. БОРИНИ БОР ҲОЛИЧА ЁЗДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ КИМЛАРИД УНИНГ ИЖОДИДАН СИЁСИЙ ХАТО ИЗЛАГАН. У УНВОН Ё МУҚОФОТ ТАЛАШМАДИ. ШУНЧАКИ ЁЗДИ. ХАЛҚ УЧУН, ҲАҚ УЧУН ЁЗДИ.**

Ижодкорга бағишланган тантаналарда унинг кўплаб хислатлари тилга олинди. Камтарлиги, ёшларга меҳрибонлиги, билимдонлиги, унвони йўқ олим эканлиги, буюк ва танпарварлиги, ўзбек тили ривожини учун жон куйдирганлиги... Матназар Абдулҳақим дўстларига, ёш ижодкорларга ниҳоятда эътиборли эди. Ялт этган учкун борки, устоз эътиборидан четда қолмаган. Ёшларни ижодга рағбатлантирган. Бу рағбат кўплаб гузал асарларнинг дунёга келишига сабаб бўлган. «Дарёдан ҳар ким ўз ташналиғига яраша сув ичди, парвоздаги қуш ҳам осмоннинг бор баландлигини забт эта олмади», деган эди шоир. Матназар ака ёш ижодкорлар чанқоғини қондириш учун дарё, парвоз қилиши учун осмон бўла олган саховатли қалб соҳиби эди.

Тадбирларда Матназар Абдулҳақим ижоди ҳали кўп тадқиқ этилиши зарурлиги айтиб ўтилди. Тўғри, бир неча олимлар шоир ижоди бўйича фалсафа доктори унвонига эга бўлдилар. Бироқ бир кучоқ гулнинг ҳали ҳамма ифторлари қашқ қилинмаган. Зеро, «Тиниқ тонлар», «Фасллар кўшиғи», «Қор кўшиғи»,

«Ёнимдаги дарёлар», «Қорачиқдаги дунё», «Бир кучоқ гул», «Ойдинлик», «Сўнги яроқ» каби тўпламларнинг ҳар бири бир дунё, бир тилсим.

«Матназар Абдулҳақимнинг ўттинчи машамалар билан иши йўқ, Чунки у бу дунёнинг бозорига кечиримли бир тарзда кулибгина қарайдиган одам. Могу давлат – китоблари ҳам кўп. Ёлғиз қолишдан ҳам чўчимайди. Ҳамсуҳбатлари улуғ зотлар – Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Шайх Саъдий, Мирзо Бедил... Юраги тўлса, шеър ёзади. Дили қақраса, ўқийди. Ўзи яхши билган форсий-забон шоирларни мутолаа этар экан, улардан олган завқу шавқини бошқаларга ҳам улашгиси келади, таржима қилади...» деб ёзган эди Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим.

Матназар Абдулҳақимнинг рус, форс ва туркман тилларидан таржималари ўзбек таржима мактабига ўзига хос ўринга эга. Хоразм Маъмун академиясида фаолият кўрсатган йилларда ва унганча олиб борган илмий изланишлари – тамаддунга муносиб ҳисса.

– Ҳар бир масканнинг ўз устунлари бўлади. Хоразм Маъмун академиясининг устунларидан бири Матназар Абдулҳақим эди, – дея хотирлайди тарихчи олим Машариб Абдуллаев. – Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, бутун умр ёнингизда бўлади, сиз билан ҳар доим ҳамнафас, яхши-ёмон дамларингизда елкадош бўлади. Аммо сиз бунчи сезмайсиз, гўё ҳаммаси шундай бўлиши керакдай... Бир кун сиз жуда ёлғизланиб қолганингизни сезиб қоласиз, нимангиздир йўқдек. Матназар Абдулҳақим ана шундай ИНСОН эди. У адабиёт, илм аҳли ва жамиятнинг елкадоши, беминнат дастёри эди. Шоирнинг «Иккинчи муаллим сабоқлари» номли китоби Давлат муқофотиға тавсия қилинган, кўпчиликка маъқул келган. Бироқ китобнинг нашр сифати талабга жавоб бермагани учун муқофотга лойиқ кўрилмаган. Матназар Абдулҳақим ҳаётда ҳам, ижодда ҳам



ҳеч кимга хушомад қилмади. Борини бор ҳолича ёзди. Шунинг учун ҳам кимлардир унинг ижодидан сиёсий хато излаган. У унвон ё муқофот талашмади. Шунчаки ёзди. Халқ учун, ҳақ учун ёзди.

«Адабиёт кунлари» доирасида ўтказилган тадбирларда минглаб ёшлар иштирок этди. Улар шеърига ҳайқал ўрнатилган шоирнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлишди.

Ҳа, Матназар Абдулҳақим адабиётга дахлдор бўлиш учун қандай ижод қилиш камтарин, комил инсон бўлиш учун қандай сифатларга эга бўлиш, элга, юртга қандай хизмат қилиши кераклигини исботлаб кетди.

Мўҳаббат ТўРАБОЕВА

**Бахт уйлари кўндир, бахтли бўлмадим, Оромгоҳлар кўндир, олмадим ором. Ўғрилар тўғридир, тўғрилар ўғри, Ҳаромлар ҳалолдир, ҳалоллар – ҳаром.**

**Сабрим чидамади сабр қилмоққа, Тоқатим етмади қилмоққа тоқат. Ҳеч ким ор етмагач шармисорликдан, Энг шарманда юмуш бўлгач садоқат.**

### Табиат мўъжизаси

сақланади. Сўнгра ҳар куни эрталаб овқатланишдан ярим соат аввал, кечаси эса ётишдан олдин 30 граммдан ичиш лозим бўлади. Аммо бу ўсимликнинг хом мевасини истеъмол қилиш алаҳсираш, титраш, юз ва оёқ-қўллар шишиб, тана ҳарорати кўтарилишига олиб келишини унутмаслик керак.

Юрак санчиги, ўйноқлаши ёки тез-тез уришига эса меҳригиёҳнинг илдизи ва асалли исканжибун қўшиб тайёрланган малҳам яхши даво воситаси ҳисобланади. У кунига 3 маҳал овқатдан олдин 5 граммдан тановул қилинади.

Меҳригиёҳнинг ўзига хос яна бир хусусияти бор. Унинг эркак ва аёл турлари илдизини тоғ узуми новдаси сувига солиб, бир йил давомида чуқурлиги 5 метрлик ерга кўмиб қўйилса, талай беморлар дардига шифо бўлади. Жумладан, инсоннинг тана аъзолари кучини тиклайди, қонни тозалайди ва унинг айланшини бир маромга келтиради. Юракка қувват бериб, жигар тикималарини очади, буйрак ва талоқ фаолиятини яхшилайди, бефарзандликка ҳам даво бўлади. Шунингдек, қандли диабет, ўт қоғи, меъданичак, мия ва асаб касалликларининг олдини олишда асқатади. Илдизининг суви юз терисига суртилса, уни тиниклаштириб, ажинларни йўқотади. Филоёқ касаллигида, қон қуқоқлашиб, вена қон томири бўртганда, унинг сувини ичиш ва касалланган жойга суртиш ижобий натижа беради.

Хуллас, кўплаб касалликларга даво бўладиган бу ҳаёт илдиздан ўринли ва оқилона фойдаланган киши зарар кўрмайди.

Раъно МАҲҚАМОВА «ISHONCH»



## Рақамли-аутизм: меъёрлар унутилганда...

«Қизим жуда одамови, ҳеч ким билан дўстлашиб, чиқишиб кетолмайди. Телефондан бошини кўтармайди. Ҳозирлар телефон билан туғилганим, ҳайронман...»

Шунга ўхшаш гап-сўзлар кулоққа кўп чалинади. Ҳўш, боладаги ўзгаришларга телефон сабабчиси? YouTube, Wikipedia, Googleни бирин-кетин титкиладим. «Рақамли аутизм». Буни нима бўлди? Бу масалгага «Neuro Care Clinic» клиникаси бош шифокори, невролог Саидазиз Сайдалиев шундай изоҳ бериди: – Рақамли аутизм (виртуал аутизм) – асаб тизимидаги бузилиш бўлиб, асосан, 2-3 ёшдан кейин бошланади. Бу касалликнинг келиб чиқишига бирламчи сабаб шуки, ота-оналар фарзандларини телефон ёки компьютер билан ёлғиз қолдиришди. Бундай ҳолатда болалар ташқи дунё, яъни одамлар билан муносабатда қийналашади, давраларга қўшилмайди, қизиқишлари сўниши ёки умуман пайдо бўлмағиси мумкин, истакларини яширишади, инжиқланиб, уларда ҳар қандай нарсага эътиборсизлик кучаяди. Агар ўз вақтида олди олинмаса, бу ҳолат «классик аутизм» касаллигига олиб келади.

Нилуфар АБДУМАЛИКОВА, ЎзЖОКУ талабаси

Янгийўл туманидаги 48-мактаб томонидан 2006 йил Тўрабекова Умида Абдуғапаровна номига берилган O'R-SH №0480569-рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1993 йил 7 майда Раҳматов Раҳимберди Каримбердиевич номига берилган №00-22/1506 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5009 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doeerie» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G' OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosi), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeerie»)

**Bosh muharrir**  
Husan ERMATOV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-32

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Navbatchi muharrir:**  
Z. Rixsiev

**Musahhihlar:**  
D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:**  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 02:20  
Topshirildi – 02:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**  
2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STR: 201138889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-313  
Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

**Umumiy adadi 31359**  
14535 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonamanzili: Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.